





Мустабидлик асоратлари

НУРСИЗ ЗИЁХОНАЛАР

Президентимиз халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши сессиясидаги нутқида маориф ходимлари, зиёкорлар ишига баҳо бера экан, Ҳақдаги аксарият қишлоқ кутубхоналарининг бузғини кўриб қолганини, ислохотларимизга, мустақилликка хизмат қиладиган илмий-оммабоп китобларнинг деярли йўқлигини, айниқса ўз аҳамиятини аллақачон йўқотиб бўлган сивий ва иқтисодий масалаларга доир шўролар замонидagi адабиётларнинг ҳаққини сақлаётганини кўриб қолганини...

Гурлан туман марказий кутубхонаси куз-куз қилгудек икки қаватли муҳташам бинода жойлашган. Ёр-ғурғур хоналар кишининг бахри-дилни очади. Мудира Зайнаб Қозоқова шу ерда 1991 йилдан бери ишлайди. Маданият институтининг кутубхоначилик факультетини битирган. Ушбу гапларни ўқиган газетхон, дедимки ишлар жойида экан-да, дедим хулосага келиши табиий. Афсуски, ундай эмас. Мазрифта масканнинг кутубхоналарига хизмат қилиш бўлиб қолди...

Бир вақтлар Шовот тумани марказий кутубхонасининг ибратли ишлари ҳақида айтишга гаплар эшитардик. — Кутубхонасининг фондида 65 мингдан зиёд китоб бор. Қишлоқ аҳолисига 46 бўлимамиз хизмат қилиб турибди, — дея гап бериб кетди кутубхоначи мудир И. Хажиев. — 35 мингдан зиёд китобхон томонидан ҳар йили етти юз мингдан кўпроқ китоб ўқилмоқда. Матбуот асарларини тарғиб қилиб турибмиз. — Мана бу китобларнингми? — сурадик «С. М. Киров» ва «В. В. Куйбисhev» деган китобларни кўлга олиб.

Мудир лаб тишлади. Вилоят туманларидаги зиёхоналарда аҳвол шундай бўлса, қишлоқларда қандай экан? Дастлаб Урганч туманидаги С. Қаландаров номи жамоа ҳужалиги «Маданият уйи»да жойлашган кутубхона иши билан танишмоқчи бўлидик. Клуб берк. Эшигини олдиға битта гишт тиралган. Кутубхона иши соат ундан бошлар экан. 12 гача кутдик. «Зиёкордан дарак бўлмади. Ноилжон, уйига икки мартаба хабарчи юбордик. Ниҳоят, кутубхоначи З. Қодирова ўз урнига турмуш уртоғи Б. Анназаровни юборибди. Йигит истар-истамас велосипедда етиб келди. У бизни кутубхона деб аталувчи ичкари савуҳондан иборат жойга бошлаб кирди. Китоб «саралаш»ни «Ленин ҳақидаги хотиралар»дан бошладик...

Туманининг Юқори Дурмон қишлоғи ҳудудига жойлашган Урганч маданият бўлимига қарашли 36-филиал эшиғида илинган битта сулоқмондай кўлға кузи...

Тунка сўзининг маъноси талайгина. Лекин бу гал уни чин маънода ишлатмоқдамиз. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да бу сўзга «кесилган ёки синиб тушган дарахнинг ердан учини чиқиб турган ер устидаги қисми», деб таъриф берилган. Хуш, уни қаерда кўпроқ учратиш мумкин? Албатта, урмонда! Дарахлар уша ерда кесилди, баъзан эса узи синиб тушди. Хуллас, тўнкани тадқиқ этиш учун урмонга бориш зарур.

Хойнаҳой, бошқалар ҳам шундай уйлаши тайин. Бироқ яқинда Чинозга бориб келдимиз фикримиз тамоман узгарди. Янглишмасам, пойтахтни мамлакатнинг гарбий вилоятлари билан боғлайдиган асосий йўлнинг ўнг тарафида ҳам, сул тарафида ҳам яқин-яқингача турли-туман дарахлар ҳам саф тортиб турарди. Йўл ёқасида усаётган чирноқ, терак, қайрағоч, тол, ақация сингари манзарали, ўрик, ёнғоқ каби мевали дарахлар йўлларга қўрқ, йўловчиларимизга эса хуш кайфият бағишларди.

Буни қарангки, бугунга келиб ана шу дарахларнинг катта қисми кесилиб кетди. Урнида узун-қисқа тункалар қайқайиб, хунук манзара кашф этиб турибди. Йўлнинг Чиноз тумани ҳудудидagi айрим қисмларида ҳар қақиримда 45-50 тадан тунка санадик. Йўлнинг нариги ёқасидан ҳам шунча дарах кесилганини кура-сиз. Янгийул тумани ҳудудида ҳам шу аҳвол. Умуман, мамлакатимизнинг бошқа йўлларида ҳам шунақа манзарани кузатиш мумкин. Энди бир хомчўт қилайлик:

Курбон МУХАММАДРИЗО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Муҳожаза

агар хар қақиримда 90-100 тадан дарахт кесилган бўлса, 60-70 қақирим масофада кесилган дарахлар сони қанча бўлади?

Йўлларимизга файз бағишлаб турган дарахларни кимлар, нима мақсадда кесишлар? Нега тункаларни кавлаб ташлаб, ўрнига бошқа дарахт экишмапти? Шу саволларга жавоб излаб Урмон ху-

ТўНКА

залиги қўмитаси ва «Узвотийул» концернига муурожаат қилдим. Маълум бўлишича, пойтахт билан Чиноз оралиғидagi йўл ёқасида ўсган дарахлар учун на унис ва на буниси жавобгар? Демак, 20-30 йиллик дарахлар эгасизлиги сабабли баъзи диёнатсиз кишилар томонидан кесилиб, талон-торож қилинапти. Ёки қаровсизлиги тўфайли қуриб, синиб тушапти. Айниқса, бу йил қиш қаттиқ келиб, утинга эҳтиёж сезилгани тўфайли қуллаб дарахлар хўлу қуруғи аралаш хуфийна кесиб кетилди.

Йўл ёқасида ўсиб турган дарахтни хуфийна кесиб гунхои азим. Бошқача айтганда, ахлоқсизликдир. Чунки ундан минглаб йўловчи баҳра олади, қўриб қувонади. Бундан ташқари, йўлларимиз ёқаси сёрдарахт, ораста бўлса қандай яхши. Сирдарё туманидаги «Синдоробод» жамоа ҳужалиги ҳудудидан утар экансиз, йўл ёқасида саф торган теракларни, Оқолтин туманидаги азим чинорларни қўриб беихтиёр кўнглин-

Норбобо ШАКАРОВ, «Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

СПОРТ

ОЛИМПИАДАНИ КЎЗЛАГАН ПОЛВОНЛАР
Атлантик шаҳрида ўтказилган Ёш олимпиадага номзодларни саралаш давом этмоқда.
Маълумки, мамлакатимиз олимпиадачилари илк марта мустақил жамоа бўлиб халқаро спорт анжуманида иштирок этадилар. Терма жамоамиз сафида юзга яқин кучли спортчининг бўлиши кўзда тутилган. Юртимиз шарафини халқроқ олимпиадада муносиб ҳимоя қилишга қодир йигит-қизларга олимпиада уйинларига бориш учун имкон берилди. Ҳозирча Атлантикда йулнама олганлар 50 нафарга етай деб қолди. Яқинда Хитойда кураш бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида ҳам вакилларимиз маҳорат кўрсатишди. Чунинчи, эркин курашчилардан Руслан Чинчагов билан Борис Будаев галаба қозониб олимпиадага бориш ҳуқуқини қўлга киритди. Грек-румо кураши бўйича эса Григорий Пуляев кумуш медаль совриндори бўлди. Шамсиддин Худойбердиев билан Шермухаммад Кузиев Осиё чемпионатининг бронза медалларига эга бўлишди.

МАЙДОНДА КУЧИЛАР ҚОЛАДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоғи учун кураш тобора қизгин паллага кирмоқда.
Кубок учун курашнинг узиға хос томони шундаки, ютқазган уйдан чиқиб қолаверди. Албатта, ҳозирча саралаш баҳслари давом этмоқда. Дастлабки босқичда 42 та жамоа 8 гуруҳга бўлиниб, узаро учрашди. Омадлари юришиб, 1-2 уринларни эгаллаган жамоалар курашини давом эттириш имкониятига эга бўлишди. Шундай қилиб, иккинчи босқич — нимчорак финал уйинлари бошланди. Биринчи турда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Истиклол» — «Нефчи» — 0:9, «Прогресс» — «Чилонзор» — 1:1, «Урафшон» — «Наврўз» 0:0, «Пахтакор» — «Гулистон» — 1:0, «Навбахор» — МХСК — 0:0, «Насаф» — «Тўқимачи» — 3:1, «Машъал» — «Трактор» — 0:2, «Дустлик» — «Шахрихон» — 2:0. Кеча жамоалар иккинчи марта майдонга тушилди. Эртага бўладиган учинчи тур уйинларидан кейин чорак финаллар аниқланади. Кубок баҳсларини мамлакат чемпионати олдидан ўтказилган футболчиларнинг мавсумга шайлигини ортиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.



Шиддатли жанг. А. РИСКИБЕВ (ЎЗА) олган сурат.

ДУНЁ ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

Воқеалар

СУРИЯ Президентини Ҳафиз Асаднинг Исроил Бош вазири Шимон Перес билан учрашуви Исроил аскарлари Жулон тепаликлари ва Жанубий Ливандан чиқиб кетганидан сўнг содир бўлиши мумкин.
Исроил Бош вазирининг айтишича, Ҳафиз Асад учрашуви гоёсини маъқуллаган. Бироқ, унинг аниқ муадатини белгиланмаган.
Исроил билан Сурия Араб Республикаси уртасида бўлаётган тинчлик музокаралари 25 февралда айрим қуролли гуруҳларнинг Тель-Авив ва Қуддусда амалга оширган кўпуровчилик ҳаракатлари тўфайли тўхтаб қолган эди.

УНДАН САККИЗНИ «УРГАН»

Халқимизда баъзи олғир, юлғич одамларни «ундан туққизни урган», «юлдузини бенаршон уради» дейишади. Лекин сал орқада қолиб — саккизни урганлар ҳам бўларкан. Улар дунё бўйлаб тарқалган. Янгитдан оила қурган ҳар ундан саккиз оила узларининг «асал» ойларида ит-мушук бўлишар, ҳатто бир-бирини шапалоқ билан «сыйлашаркан».

Аксарият жанжалларнинг сабаби — эркалар бегона аёлга «қарагани учун», аёллар эса кўпроқ оналарнинг «ўғити»га суянгани учун шундай бўлган экан.
Ҳақон социологларининг кузатиши хулосаси шунақа.

ТУНГИ СОҚМАК ЙўЛГА ҚўЙЛАДИ

ЧЕЧЕНИСТОН ҳарбий комендантин, полковник П. Андреевскийнинг айтишича, Россия Президентини Фармонга биноан ҳарбий тадбирлар тўхатирилган бўлса-да, Ж. Дудаев қуролли тузилмаларининг фаоллиги суаймапти. Яқинда Грозний йўлида учта портлаш мосламаси зараризланганлигини Комендантин таъкидлашди. Грознийдаги аҳолининг тинчлигини таъминлаш учун кундуз кўнлари федерал қўшинлар аскарлари томонидан 60 та йўналиш бўйлаб соқчилик ташкил этилган. Яқин кунларда эса тунги соқчилик ҳам йўлга қўйилади.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА

ИСРОИЛ ҳарбий ҳаво кучлари вертолётлари Байрут аэрофиоиди «Ҳезболла» ислом гуруҳлари жойлашган ҳудудларга ҳужум қилди. Бундай ҳужум 1982 йилдан бери биринчи бор қайта такрорлангани. Қисқа вақт ичида аниқгина майдонда бомба портлатилди, ўлаб одамлар ҳалок бўлди. Учта вертолёт ракетаси «Салех» касасхонаси ёнида портлади. Натижада бир киши қурбон бўлди ва беш киши яраланди. Қўллаб-қувватловчиликлар ҳам бор.

ЛИТВАда меҳнатқашларнинг халқаро бирдамлик кўни — 1 май дам олиш кўни деб эълон қилинди. Асосий қисмини коммунистлар ташкил этадиган Литва сейми ана шундай қарор қабул қилди.

АВСТРАЛИЯнинг йирик шаҳарларидан бири Сиднейга сувараклар ҳужум қилди. Маҳаллий аҳоли бунга ўрсаниб қолган бўлса-да, бу ерда келган меҳмонлар уларнинг ноқулай сезимига. Яқинда Сиднейдаги ёшлар туристлик марказига тез «ёридан» қақиринга тўғи келди. Чунки ёш иштининг қўлига тўрт санитметрли суварак қириб олган экан.

Гузаллик танлови ...голиби аниқланмади

Венесуэлада бола-лар уртасида ўтказилган гузаллик танлови мусобақати тугади. Биринчи уринга белги-ланган мукофотни топириш пайтида ота-оналар жюри ҳайъатидан қаттиқ норози бўлдилар. Норозилик жанжал-туполонга айланиб кетди. Гувоҳларнинг айтишича, ота-оналар голиб эълон қилинган, саҳнага бостириб чиқиб, газаб билан ҳайъат раисига ташланишди. — Шунақанги шовқин-сурон кутарилдики, 32 нафар киши қаттиқ тан жароҳати олди, ҳаммаёқ қип-қизил қонга бўялди, — деб таъкидлади, — деб таъкидлади,

ХАЛҚАРАВИЙ КЎРСАТИЛУВЛАР

Table with columns for city and date, listing various international film and TV programs. Includes entries for Душанба, 15; Сешанба, 16; Чоршанба, 17; Пайшанба, 18.

